



КУН РАҚАМИ

2030 йилгача 29та лойиҳа доирасида умумий қуввати 7,3 ГВт бўлган энергетика иншоотларини барпо этиш ва янгилаш назарда тутилган. Шунингдек, режаларга кўра, 2035 йилгача республикада 8 ГВтдан зиёд янги яшил энергетика иншоотлари ишга туширилади.



Жанубий Қозоғистон


1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 25 ноябрь, сешанба, №127 (3628).

>>> Президент

ПРЕЗИДЕНТ ГЕННАДИЙ ГОЛОВКИННИ ТАБРИКЛАДИ

Kazinform. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Геннадий Головкинни «World Boxing» халқаро федерацияси президенти лавозимига сайланиши муносабати билан самимий табриклади.



Табрикномада таъкидланишича, бу қарор Геннадий Головкиннинг жаҳон бокси ривожига қўшган бекиёс ҳиссаси ва меҳнатига берилган муносиб эътирофдир.

«Бу – Геннадий Головкиннинг олий даражадаги меҳнатига берилган муносиб баҳо. Машҳур ватандошимиз Олимпия спорт тури бўйича халқаро федерацияни бошқарган Қозоғистоннинг илк вакили бўлди», дейилади Президент табригида.

Маълумки, 23 ноябрь куни Италия пойтахти Рим шаҳрида халқаро бокс конгресси ўтди.

Унда «World Boxing» федерацияси раҳбарлиги учун сайлов ўтказилди. Қозоғистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти, дунёга танилган боксчи Геннадий Головкин номзодлар орасида етакчи сифатида қўрилди ва якуний овоз беришда федерация президенти этиб сайланди.

ҲАЁТГА АЙЛАНАЁТГАН ЭЗГУ НИЯТЛАР

САЙРАМ ТУМАНИДАГИ КЎЛКЕНТ ҚИШЛОҒИДА ТАБИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРМОҚЛАРИ ТЎЛИҚ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Мазкур тадбирда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров иштирок этиб, аҳолини шодийна билан қутлади ва Президентнинг қишлоқ инфратузилмасини янгилаш ҳамда аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган топшириқлари ҳудудда изчил амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, яна бир қишлоқ газга уланмоқда. Бугун Кўлкент қишлоғидаги газ тармоғи қурилиши якунига етди ва 3 мингга яқин абонент сатгори оловга уланди. Бу, аввало, ҳар бир оила учун қулайлик яратиб, экологик вазиятни яхшилайдди. Кўлкент – меҳнатсевар инсонлар қишлоғи. Газ етиб

бориши бу ердаги ташаббускор аҳолининг бизнесини ривожлантиришга ҳам катта туртки беради, – деди Нуралхан Ўралбайули.

Маълум қилинишича, Сайрам туманидаги 42та аҳоли манзилининг 37таси табиий газ билан таъминланган, қамров даражаси 88 фоизни ташкил этмоқда. Йил якунига қадар бу кўрсаткич 100

фоизга етказилиши режалаштирилган.

Вилоятда газлаштириш ишлари белгиланган дастур асосида амалга оширилмоқда. 2025 йилда 80та лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилган. Жорий йилда режалаштирилган 46та иншоотнинг 37таси фойдаланишга топширилди, қолган 9таси йил охирига

ча ишга туширилади. Натижада қўшимча 43та қишлоқ ёки 73 мингдан зиёд аҳоли газ билан таъминланади. Шундай қилиб, вилоятнинг умумий газлаштириш даражаси 75 фоизга етказилади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



ҚЎШМА БАЁНОТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Kazinform. Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Никол Пашинян музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Расмий делегациялар аъзолари, шунингдек, Қозоғистон Президенти ва Арманистон Бош вазири иштирокида қуйидаги ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар билан алмашдилар:

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий маълумотларни узатиш, улардан фойдаланиш, ҳимоя қилиш ва сақлаш тўғрисидаги битим;

2. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Арманистон Республикасида Қозоғистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарини қуриш учун ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги битим;

3. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича йўл харитаси;

4. Қозоғистон Республикаси Саноат ва қурилиш вазирлиги ҳамда Арманистон Республикаси Худудий бошқарув ва инфратузилма вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

5. Қозоғистон Республикаси Сунъий идрок ва рақамлаштириш вазирлиги ва Арманистон Республикаси Юқори технологиялар саноати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

6. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Арманистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми;

7. Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Арманистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси;

8. Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Арманистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан асосий чора-тадбирлар режаси;

9. Қозоғистон Ташқи савдо палатаси ва Арманистон Савдо-саноат палатаси ўртасида Қозоғистон-Арманистон бизнес кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги келишув;

10. «Қозоғистон Республикаси Миллий кутубхонаси» Рес-

публика давлат муассасаси ва «Арманистон Миллий кутубхонаси» Давлат нотижорат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

11. «Миллий кинематографияни қўллаб-қувватлаш давлат маркази» ХҲЖ ва Арманистон Кино жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

12. А. Қастеев номидаги Қозоғистон Республикаси Миллий санъат музейи ва «Арманистон Миллий галереяси» Махсус илмий-тадқиқот ҳамжамияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

13. Қозоғистон Республикаси Атом энергияси агентлиги ва Арманистон Республикаси Худудий бошқарув ва инфратузилма вазирлиги ўртасида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

14. Қозоғистон Республикаси Фан ва олий таълим вазирлиги ҳамда Арманистон Республикаси Таълим, фан, маданият ва спорт вазирлиги ўртасида фан ва олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

15. Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Арманистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЮЛДУЗЛАРИ КУЧ СИНАШМОҚДА

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА
ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

Kazinform. «Хурматли Silk Way Star иштирокчилари! Бугун нуфузли халқаро санъат танлови якунланмоқда. Барчангизни чин дилдан табриклайман!

Бу – Осиё мамлакатларининг маънавий уйғунлашувини ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлайдиган ташаббус. Silk Way Star – маданий дипломатиянинг ёрқин акси, халқимизнинг анъаналари ва ижодкорлигини намоён этувчи ажойиб лойиҳадир. Бундай кенг қўламли тадбирлар бирлигимизни мустаҳкамлайди ва умумий қадриятларимизни ҳар томонлама тарғиб қилиш имконини беради. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга ҳисса қўшган China Media Group медиа корпорациясига самимий миннатдорчилик билдираман», дейилади Президент табригида.

Шунингдек, Давлат раҳбари Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Малайзия, Мўғулистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Жанубий Кореядан келган истеъдодли инсонлар юқори даражада қўшиқлар ижро этишгани ва миллионлаб томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинганини таъкидлади.

«Барчангизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ишонаманки, келажакда ҳам улкан марраларни забт этишда давом этасиз! Сизларга сихат-саломатлик ва омад тилайман!», деди Қ. Тўқаев.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Осиёнинг биринчи вокал мега-лоийҳаси – Silk Way Starнинг якуний шоуси Jibek Joly телеканалда намоиш этилмоқда. Лойиҳа тахминан 1 миллиард кишини қамради.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ҲУКУМАТ НАЗОРАТИДА

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА
МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛИШИ
МУМКИН БЎЛГАН ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР
РЎЙХАТИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ



Kazinform. Шанба куни ҚР Бош вазири ўринбосари – Миллий иқтисодиёт вазири Серик Жумангарин раислигида пул қадрсизланишини барқарорлаштириш масалалари юзасидан навбатдаги йиғилиш ўтди.

Йиғилишда ижтимоий аҳамиятга эга товарлар рўйхатини кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадида озиқ-овқат саватчаси таҳлилининг дастлабки натижалари тақдим этилди.

Ноябрь ойининг учинчи ҳафтасида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгаришсиз қолди.

Савдо ва интеграция вазирининг биринчи ўринбосари Айжан Бижанованинг сўзларига кўра, октябрь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ошишига мол гўшти, суяксиз йилқи гўшти, сабзавотларнинг айрим турлари, балиқ ва бошқа маҳсулотлар таъсир кўрсатди.

– Барча минтақаларда озиқ-овқат нархларини таҳлил қилиш натижасида уларнинг қимматлашуви катта таъсир кўрсатган, аммо ижтимоий аҳамиятга эга товарлар рўйхатига киритилмаган 30та товар аниқланди. Булар турли хил гўшт, балиқ, нок, олма, лимон, чой, пишлоқ, музлатилган скумбрия, помидор, бодринг ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидир. Ушбу маҳсулотлар орасида импорт улуши юқори бўлган товарлар ҳам мавжуд. Рўйхатдан ижтимоий аҳамиятга молик товарлар рўйхатига киритилиши мумкин бўлган 23та маҳсулот танлаб олинди. Навбатдаги вазифа – бу тақлифларни бизнес вакиллари билан муҳокама қилиш, – деди Айжан Бижанова.

Рўйхатни кенгайтириш тадбиркорлардан қатор мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. Масалан, битимларнинг шаффофлигини таъминлаш, шартномалар тузиш, ҳисоб-фактуралар ва фискал чекларни ўз вақтида бериш, шунингдек, қонун билан белгиланган 15 фойздан ошмайдиган савдо устамасини сақлаб қолиш.

Ушбу чоралар озиқ-овқат маҳсулотларининг муомаласида шаффофлиқни оширишга ва воситачилик тизимларининг якуний нархга таъсирини камайтиришга қаратилган.

ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев «Самұрық-Энерго» ХЖ Бошқарув раиси Қайрат Мақсұтов билан учрашиб, минтақада қуввати 300 МВт қуёш электр станцияси қуриш лойиҳасини муҳокама қилди.

Мулқот чоғида томонлар янгиланувчи энергия манбалари юзасидан ҳамкорлик имкониятларини ҳам кўриб чиқишди. Учрашувда вилоят ҳокими мазкур лойиҳанинг аҳамиятига тўхталди ва минтақанинг энергетик хавфсизлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси учун компания раҳбарига миннатдорчилик билдирди.

Унинг таъкидлашича, Туркистон вилояти бугун инфратузилмаси тараққий этган, янги босқичга кирган минтақа сифатида энергия таъминоти ва барқарор тараққиёт стратегик йўналишлардан бирига айланган. Электр тармоқларини замонавийлаштириш, қўшимча қувватлар яратиш ва қуёш станцияси каби янги лойиҳаларни амалга ошириш минтақа тараққиётининг устувор вазифаси экани қайд этилди.

Маълумотларга кўра, Саврон туманида қурилиши режалаштирилган қуёш электр станциясининг қиймати 317 миллион долларни ташкил этади.

Компания раҳбари Қайрат Мақсұтов лойиҳани амалга оширишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МАШҲУР ШАХСЛАР – ЁШЛАР ҲУЗУРИДА



Туркистон шаҳридаги «Дўстлик уйи»да ёшларнинг руҳий ва маънавий тараққиётига қаратилган «Таниқли шахс билан учрашув» мавзuida давра суҳбати ўтди.

Тадбирда минтақа ёшлари, жамоат ташкилотлари ва этномаданият бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Туркистон вилояти Қозоғистон халқи Ассамблеяси ҳузуридаги Журналистлар ва блогерлар клуби раиси Ерсултан Амирбек олиб борди. Тадбирни вилоят Ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг вазифасини бажарувчи Нурсултан Сейтжанов очиб, ёшларни бирлик, фаоллик ва билимга интилишга чақирди.

Тадбирда тиббиёт соҳаси фахрийси Шўра Исмүлдаев, тажрибали журналист Бейсенкул Наримбетова, дзюдодан Осиё чемпиони Дидар Хамза, тадбиркор хотин-қизлар уюшмаси раиси Дилноза Ҳмарова ҳамда

ошиқ отиш бўйича Осиё ва Жаҳон кубоги совриндори Алмас Қарабаев ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Меҳмонлар меҳнатсеварлик, қатъият, миллий қадриятлар ва замонавий имкониятлар ҳақида самимий ва ибратли фикрларини илгари суришди.

Учрашув якунида ёшлар саволлар бериб, фикр алмашишди. Машҳур шахслар маҳорат сабоғи ўтказиб, эсдалик учун суратга тушишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ГОНКОНГ ТУМОВИ: ВАЗИРЛИК МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбасари Тимур Султангазиев мамлакатдаги тумов ва ўткир респираторли вирусли инфекция ҳолати юзасидан маълумот берди.

Унинг айтишича, эпидемия даври бошидан буён 1,5 миллионга яқин хасталик ҳолати қайд этилган, бу ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кам.

Гонконг тумови сифатида тарқалаётган А(Н3N2) вируси янги штамм эмаслиги таъкидланди. У 1968 йилда аниқланган ва шу вақтдан буён дунё бўйлаб айланиб келади. Бу вирус Қозоғистонда ҳам узоқ йиллардан буён мавжуд.

Бундан ташқари одатдагидан бироз эртакор – октябрнинг биринчи ярмида бошланди. Янги турдаги вирус аниқланмаган. Аниқланган штаммлар мавсумий вакиналар таркибига тўлиқ мос келиши айтилди. 2,1 миллион аҳоли гриппга қарши эмланган.

Шунингдек, вазирлик тумовга алоқадор бўлмаган бошқа вирусларнинг ҳам мавжудлигини маълум қилди. Мамлакат бўйлаб риновирус, парагрипп, аденовирус, коронавирус ва бошқа қатор вируслар тарқалаётгани аниқланган.

Касалланувчиларнинг 66 фоизи – болалар. Сўнгги ҳафтада 183 мингта ўткир респираторли вирусли инфекция ҳолати, мактаб ўқувчилари орасида эса 6 мингдан зиёд хасталаниш ҳолати қайд этилган.

Туркистон вилоят маслаҳати раисининг

2025 йил 21 ноябрдаги
5-Ш сонли қарори

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

“Қозоғистон Республикасининг маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”-ги Қозоғистон Республикасининг 2001 йил 23 январдаги Қонунининг 10-модда, 2-бандига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн тўққизинчи сессияси 2025 йил 28 ноябрь куни, соат 17.00да Туркистон шаҳрида қаёқилсин.

**Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.**



“ДЎСТЛИК” ҲАМЖАМИЯТИГА ЯНГИ РАҲБАР САЙЛАНДИ

Шимкент шаҳридаги “Дўстлик уйи”да Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг навбатдаги VII қурултойи ўтди. Тадбирда Жамбил ва Қизилўрда вилоятлари, Астана, Алматы, Шимкент шаҳарлари, Туркистон вилоятининг Туркистон ва Кентов шаҳарлари, Сайрам, Саврон, Қазигурт, Мақтаарал, Сариеғоч, Тўлебий, Тулкибош, Сўзок, Жетисай, Келес туманлари ҳамда Қарноқ қишлоғининг вакиллари иштирок этди. Уни жамоат арбоби Зуппархон Чолдонов олиб борди.



Бизнинг маълумот:
Абдулла Жаъфар ўғли Исаматуллаев Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон тумани, Қорачиқ қишлоғида 1980 йил 3 апрелда туғилган. Туркиянинг Измир шаҳридаги Догуз-Ейюл университетида ва Қозоғистон менежмент, иқтисодиёт ва стратегик тадқиқотлар институтида таҳсил олган.

Абдулла Жаъфар ўғли 2001 йили “Аura Kazakhstan” МЧБга асос солиб, ҳаммуассис бўлган ва 2001-2015 йилларда компаниянинг бош директори лавозимида ишлаган.

У 2016 йилдан Алматы шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҚХА аъзоси ва Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси ўринбосари бўлган.

Бугунги кунда у “CORDIALREAL ESTATE” ва “AlatauGolfResidences” компанияларининг бош директори.

У ҚХАнинг “Бирлик” медали ва “Жомарт жан” кўрак нишони, “Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги”, “Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги”, “Ерөн еңбегі үшін” медаллари ва жорий йили ҚР Президенті томонидан давлат мукофоти – «Ел бірлігі» ордени билан таъдирланган.

Уйланган, тўрт фарзанди бор.

З. МҮМИНЖОНОВ.



»» Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, саккизинчи чақириқ вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн тўққизинчи сессияси 2025 йил 28 ноябрь куни, соат 17.00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтишини маълум қиламиз.

Манзил: Туркистон шаҳри, “Янги шаҳар” кичик тумани, 32-кўча, 18-бино (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутатлар ва қаёқилганларни рўйхатга олиш 2025 йил 28 ноябрь, соат 16.00дан бошлаб зал фойеида юрийтилади.

Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар:

1. “2025-2027 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети тўғрисида” вилоят маслаҳати-

нинг 2024 йил 13 декабрдаги 14/180-VIII сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

2. Туркистон вилояти бўйича тафтиш комиссияси аъзосини лавозимидан озод этиш тўғрисида;

3. “Туркистон вилоятида ичимли сув бериш бўйича хизматлар ва субсидияланадиган сув билан таъминлаш тизимлари учун сувнинг бир куб метри учун тўлов миқдорини тасдиқлаш тўғрисида”;

4. “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги “Туркистон вилояти бизнеси” минтақавий мувофиқлаштириш кенгашининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2019 йил 13 июндаги 38/415-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

5. “Туркистон вилоят маслаҳатининг баъзи қарорлари бе-

кор қилингани тўғрисида” (2025 йил 26 сентябрдаги 18/253-VIII сонли) қарорини бекор қилиш тўғрисида;

6. “Туркистон вилояти бўйича тафтиш комиссияси” давлат муассасаси тўғрисида Қўдани тасдиқлаш тўғрисида” (2018 йил 12 декабрдаги 33/358-VI сонли) қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

7. “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича идоралараро комиссиянинг шахсий таркиби тўғрисида” (2018 йил 28 сентябрдаги 30/331-VI сонли) қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

8. “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида”.

**Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.**

ТУРКИЙ ОЛАМ ОНАЛАРИ – АНҚАРАДА

Туркий давлатлар ўртасидаги маданий ва маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббуслардан бири – Анқарада «TURKSOY» халқаро ташкилоти қароргоҳида ўтган «Туркий олам оналари: анъана ва замонавийлик» мавзuida халқаро анжуман ўтди. Унда туркий халқлар ўртасидаги хотин-қизлар фаолияти, оилавий қадриятларни асраш ва ёш авлод тарбиясида оналарнинг ўрни хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Анжуман доирасида ўтказилган тадбирлардан бири – туркий мамлакатлардан ташриф буюрган фаол хотин-қизларнинг жамият равнақиға



қўшаётган ҳиссасини эътироф этиш мақсадида фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди. Ҳамюртимиз, жамоат фаоли ва маънавият жонкуяри Махфуза Мусоева маданий-маърифий лойиҳалари билан иштирок этди. Тадбир якунида у «TURKSOY» раҳбариятининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Унинг туркий халқлар ўртасидаги маънавий алоқаларни кучайтириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ёшларга миллий қадриятларни етказиш борасидаги ташаббусларига юксак баҳо берилди.

– Туркий тилли мамлакатлар ёшларини бирлик ва аҳиллик руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан. Шу боис «TURKSOY» шафелигида туркий олам оналарини бирлаштирадиган янги халқаро ташкилот тузиш ташаббусини илгари сурдик. Агар бу гоё кўллаб-қувватланса, бизнинг тажрибамиз асосида «Туркий олам оналари» халқаро уюшмаси ташкил этилади, – дейди тадбир иштирокчиси, ҚХА қошидаги Республика Оналар Кенгаши раисаси Назипа Шанай.

Туркий халқларда она жамиятни

бирлаштирувчи, умумий қадриятларни асровчи ва ёш авлодни тарбияловчи буюк шахс. Аёлларнинг кучли бўлиши – оиланинг, оиланинг мустаҳкамлиги эса бутун жамиятнинг мустаҳкамлиги демакдир. Шу боис туркий давлатлар бу йўналишда ҳамжиҳатликда ишлаши керак, – дея таъкидлади тадбирда сўз олган Туркия Оила ва ижтимоий хизматлар вазири ўринбосари Леман Йенигүн.

«Жанубий Қозоғистон мухбири.

»» 2025 йил – Алиқул Ўсмонов йили

АДАБИЁТ – ОДАМИЙЛИК ВА ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК БАЙРОҒИ



Жорий йилда таниқли қирғиз адиби Алиқул Ўсмоновнинг 110 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. Хусусан, «TURKSOY» халқаро ташкилоти 2025 йилни «Алиқул Ўсмонов йили» деб эълон қилди. Бу адабиёт ва маданият соҳаларида кўплаб халқаро тадбирлар, лойиҳалар ташкил этилишига замин яратди.

Ушбу тадбир иштирокчиси, қаламига фаолияти қиёс ижодкор Хурбуви Одилова билан суҳбатимизни айнан шу мавзу билан бошладик.

– Хурбуви Каримқул қизи, «TURKSOY» ташаббуси билан ташкил этилган Туркий олам ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлганингиз билан табриклаймиз. Суҳбатимиз аввалида мазкур тадбир ҳақида қисқача тўхталсангиз.

– Қирғиз адабиётининг равнақиға бекиёс ҳисса қўшган забардаст шоир Алиқул Ўсмонов ижоди бугун ҳам ўқувчини ўзига ром этиб келади. Унинг шеърини қириб келиш палласи, ижодда маҳоратга интилиши, айниқса, уруш йилларида яратган ҳажвий ва ҳарбий руҳдаги асарлари бутун шўро поэзияси учун ўзига хос адабий мактаб вазифасини ўтаган.

Шоир Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган баҳодир» асарини қирғиз тилига таржима қилгани эса унинг ижодий ва руҳий тикланишида муҳим қадам бўлди.

Ўсмонов ижодининг асосий ғоялари – юртга меҳр, меҳнатга ҳурмат, халқ билан бирдамлик. Шунинг учун унинг

шеърини бугун ҳам қимматини йўқотмаган. Ана шуларни инобатга олган ҳолда «TURKSOY» ташкилоти жорий йилни «Алиқул Ўсмонов йили» деб эълон қилди.

– Бир суҳбатингизда «Маънавият инсон руҳини поклайдиган ва юксалтирадиган куч» деган эдингиз. Бугунги ахборот оқими кучайган даврда ёшлар китоб ўқимаяпти деган фикрлар ҳам бор. Маънавиятни энди ёшлар онгига қандай сингдирамиз?

– Маънавият – китоб ўқиш билан чекланмайдиган, инсоннинг ички қиёфаси, виждони ва қалб мусаффолигини ифода этувчи тушунча. Албатта, китоб ўқиш маънавиятнинг асосий манбааларидан бири. Китоб одамни ўйлашга, таҳлил қилишга, хулоса чиқаришга ўргатади. Бироқ замон ўзгарди: ахборот тезлашди, технологиялар ривожланди. Ёшлар энди китобдан узоқлашди эмас – улар бошқа шаклда ўқияпти, бошқача қабул қилаяпти: электрон китоб, видео-маъруза, интерфаол платформалар орқали.



Биз асосий эътиборни шунга қаратмоғимиз керак:

- мазмунли асарлар яратиш;
- миллий қадриятларимизни замонавий шаклда етказиш;
- ёшларга улар англайдиган тилда муурожаат қилиш.

Аслида маънавият – абадий тушунча. Унга меҳр ҳам, эҳтиёж ҳам замонга қараб ўзгармайди.

– Мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар учун бугунги даврда қандай саволлар муҳим, улар жавобни қаердан излаши керак?

– Ёшлар «Қандай давлат барпо этилмиз?», «Жамиятимиз қандай қадриятларга таянади?» каби саволларга жавоб топиши керак. Бу жавоблар – мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, жамиятда юз бераётган



қаев таъкидлаганидек, бугунги дунёда мафкуравий таҳдидлар ядровий таҳдидлардан ҳам кучли бўлиб бормоқда. Демак, маънавиятни асраш – энг долзарб вазифалардан бири.

– Ёшларда Ватанга муҳаббат,

тотувлик, элга садоқат туйғулари қандай шаклланади?

– Бу туйғулар аввало оилада, сўнг таълим масканларида шаклланади. Оила ва мактаб – Ватаннинг бир қисми. Маънавий тарбияланган инсонгина «элим, юртим» деб яшайдиган фидойига айланади.

– Ёшларнинг онгига истиқлол ғоясини сингдириш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

– Биринчи навбатда миллий меросимизни, анъаналаримизни, қадриятларимизни кенг тарғиб этиш зарур. Шу билан бирга, ёшлар дунё халқлари маънавияти ютуқларидан ҳам хабардор бўлиши лозим.

– Маънавият сўзи сизга нимани аңлатади?

– Маънавият – эзгулик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, одоб-ахлоқ ва юксак ватанпарварлик байроғидир. Бу байроқни баланд тутиш ҳар бир ижодкорнинг инсоний бурчи.

– Бугунги ёшларимизни бахтли, деб ҳисоблайсизми?

– Албатта. Президентимиз Миллий Қурултойда таъкидлаганидек, жаҳонда ёшларга бизнинг мамлакатдагидек

– Туман ЎЗМБ қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисасисиз. Бирлашма томонидан ёшларга қандай эътибор қаратилмоқда?

– Ёшлар тарбияси – ҳар бир этно-маданият бирлашмасининг энг устувор вазифаси. Биз ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз. «Бир болага етти қўшин ота-она» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар бу йўналишда самара бермоқда. Энг муҳими, бу тадбирларга кундалик тарбия жараёни сифатида қаралмоғи лозим. Расмий маросим учун эмас, инсон қалбига йўл топиш учун.

– «Китобхон мактаб» лойиҳаси юзасидан фикрингиз?

– Жуда тақдирли ташаббус. Китоб болаликданок маънавият биносини қуришни бошлайди. Китоб – эзгулик, мардлик, олижаноблик тимсоли. Ёшларда китобга меҳр уйғотиш – жамиятнинг келажакига қўйилган энг мустаҳкам пойдевордир. Илмга, китобга муҳаббат сусайган жамият тараққиётдан ортда қолаверади.

А. АБДУФАТТОҲ.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҲРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулкибош – Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродраллиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирүүлелардаги факт
ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб,
КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган.
«ERNUR-online» МҲБ босмаҳонасида чоп этилади.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 654466.

Адади – 10300 нуска.

Бироркам
2666.

Набатчи муҳаррир: Хуршид КҮЧҚОРОВ.